

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

РАЖАБОВ БАХТИЁР АЛМАХМАТОВИЧ

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ИСБОТ ҚИЛИШНИНГ
УМУМИЙ ШАРТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув
ҳуқуқ ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Ражабов Бахтиёр Алмахматович

Ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига
риоя этилишини таъминлаш..... 3

Ражабов Бахтиёр Алмахматович

Обеспечение соблюдения общих условий доказывания в досудебном
производстве..... 33

Rajabov Bakhtiyor Almaxmatovich

Ensuring of observance of general conditions of proving in pre-trial
proceedings..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 67

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

РАЖАБОВ БАХТИЁР АЛМАХМАТОВИЧ

**ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ИСБОТ ҚИЛИШНИНГ
УМУМИЙ ШАРТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув
ҳуқуқ ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Yu62 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Мухамедов Ўткирбек Хазратқулович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Пўлатов Бахтиёр Халилович юридик фанлар доктори, профессор Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович юридик фанлар доктори, катта илмий ходим Миразов Даврон Мирагзамович юридик фанлар доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.25.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил 23 июль куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (99871) 265-22-52/ (99871) 265-17-53; e-mail: info@akadmvd.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (107-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2019 йил 9 июль куни тарқатилди.

(2019 йил 8 июлдаги 16 рақамли реестр баённомаси).

А.С. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

М.З. Зиёдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

Р. Кабулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жинойтларни тез ва тўлиқ очиш, жинойт содир этган шахснинг айбини фош этиш, қонуннинг тўғри қўлланилишини таъминлаш орқали одил судловни амалга ошириш учун жинойт процессида исбот қилиш институти, унинг умумий шартларига риоя этилиши муҳим аҳамият касб этади. Жинойт-процессуал фаолиятнинг самарали амалга оширилишига эришиш, қонунийликни мустаҳкамлаш, жинойтларнинг олдини олиш ҳамда шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлашнинг долзарблиги ошиб бормоқда.

Жаҳонда жинойт ишларини юритишда исбот қилиш, далилларни тўплаш ва текширишда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, далилларни баҳолаш ва жинойт ишларини мазмунан ҳал этишда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади. Шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказиш орқали далилларни тўплаш, қонунга хилоф усуллар билан кўрсатув, тушунтириш ва хулосалар олиш, шахсни яланғоч қилиб ечинтириш билан боғлиқ тергов ҳаракатларини ўтказишда ўзга жинсдаги суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьянинг ҳозир бўлиши, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва бошқа шахсларнинг шахсий ҳаётига доир аниқланган маълумотларни ошкор қилиниши, давлат сирларини кўриқлаш ва далилларни баённомада расмийлаштириш тартибини бузилиши, қонунда белгиланган тартибга зид равишда тўпланган, шунингдек текширилмаган ёки ишончли бўлмаган далилларга асосан қарор қабул қилиш каби ҳолатларга йўл қўймаслик ва бу борада мавжуд муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш, исбот қилиш жараёнида ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишини олдини олишнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш борасида кенг камровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жинойт ва жинойт-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарорида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш; жинойт-процессуал қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш; жинойт процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш; жинойт процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини киритиш¹ каби вазифалар белгиланганлиги жинойт процессида исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш механизми такомиллаштирилишини тақозо этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жинойт ва жинойт-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори // <http://lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сон, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон, «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 30 ноябрдаги ПФ-5268-сон фармонлари, «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлашга оид илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказ ва олий таълим муассасаларида, жумладан Harvard University (АҚШ), Miskolc University (Германия), Баку давлат университети (Озарбайжон Республикаси), Беларусь Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси (Беларусь Республикаси), Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Караганда юридик институти, Қозоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Алмата академияси (Қозоғистон Республикаси), Москва давлат юридик университети, Саратов давлат юридик академияси (Россия Федерацияси)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш институтини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: исбот қилишда ривожланган технологиялардан фойдаланиш тартибига оид механизмларини алоқа воситалари, Интернет тармоғи орқали далиллар тўплаш ва текшириш имкониятларини йўлга қўйиш орқали кенгайтириш асосланган (Harvard University, Miskolc University); далилларни баҳолашда мантиқий психологик билимларга таяниш асослаб берилган (Баку давлат университети); тушунтириш олишининг тартибини белгилаш орқали жиноят ишини қўзғатиш босқичида далилларни тўплашни такомиллаштириш асосланган (Беларусь Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси); далиллар ишончилигининг жиноят-процессуал кафолатларини мустаҳкамлаш,

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида ёритилган: www.harvard.edu, www.uni-miskolc.hu/en, <https://мосу.мвд.рф>, <http://akadmvd.uz>, sgюa.pф, mail.va-mvd.ru, <http://law.edu.ru>.

далилларнинг мақбуллигини таъминлашнинг жинойтчиликка қарши курашишдаги аҳамияти очиб берилган (Караганда юридик институти, Алмата академияси); тергов ва суд ҳаракатлари натижаларини шакллантиришда гносеологик, психологик ва психофизиологик моделларни қўллаш, электрон далиллардан фойдаланиш, компьютер маълумотларини далил сифатида аниқлаш, тўплаш, текшириш ва баҳолашни жорий этиш орқали исбот қилиш институтини ривожлантириш асослаб берилган (Москва давлат юридик университети, Саратов давлат юридик академияси).

Дунёда ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш институтини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: исбот қилиш жараёнида шахс ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш; далилларни тўплаш ва текширишда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг қулай механизмларини яратиш; жинойт ишида электрон рақамли маълумот манбаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; исбот қилиш жараёнида ошкоралик ва шаффофлик билан бир қаторда конфеденциаллик ва шахсий маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлашнинг мукамал тизимини яратиш; жинойтчиликка қарши курашда исбот қилишнинг самарали ва тезкорлигини таъминлаш учун илм-фан тараққиёти натижаларидан унумли фойдаланиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Ғ.А. Абдумажидов, Б.А. Азизходжаев, Б.Т. Акрамходжаев, А.Х. Асамутдинов, И.Р. Астанов, З.Ф. Иноғомжонова, Ш.Х. Иномжонов, А.А. Матчанов, Д.М. Миразов, Б.А. Мўминов, Б.Б. Муродов, Ф.М. Мухитдинов, М.А. Раджабова, С.М. Рахмонова, Б.Н. Рашидов, Г.З. Тулаганова, У.А. Тухташева ва бошқаларнинг илмий ишларида ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлашга доир айрим масалалар тадқиқ этилган. Хусусан, Б.А. Азизходжаев исбот қилиш, унинг босқичлари, далилларга баҳо бериш, И.Р. Астанов адвокатнинг далил тўплаш имкониятларини кенгайтириш, унга экспертиза тайинлаш ваколатини бериш, Ш.Х. Иномжонов исбот қилиш жараёни ва далилларни тақдим қилиш, С.М. Рахмонова тезкор-қидирув тадбирлари натижаларини ўрнатилган тартибда текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг далиллар деб эътироф этиш, далилларни номақбул деб топиш ва уларни кейинчалик исботлаш предметидан чиқариш, Б.А. Мўминов исботлаш воситаси бўлган махсус иқтисодий билимлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, мутахассиснинг хулосасини далилларнинг мустақил манбаи сифатида белгилаш, терговга қадар текширув давомида ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари қаторига мутахассис хулосасини олиш ва фактик назорат усулларини қўллашни киритиш масалаларини тадқиқ этган¹.

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Чет эл давлатлари олимларидан Ю.А. Аверина, А.В. Авилов, В.С. Балакшин, И.А. Грудинин, И.М. Гуткин, А.Ю. Дементьев, Е.А. Карякин, С.В. Корнакова, Е.Э. Курзинер, С.А. Лубин, Н.В. Пальчикова, М.С. Строгович, А.Н. Стуликов, Л.А. Татаров, Б.А. Тетенькин, Н.П. Царева, Ю.В. Шелеговлар ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлашнинг мазмун-моҳиятини, М.Ж. Битокова, Ю.Ю. Воробьева, А.Д. Героев, Л.Г. Демурчев, Н.Н. Егоров, А.С. Закотянский, А.А. Ларинков, О.В. Левченко, А.К. Маслов, И.Е. Милова, Н.А. Попова, Г.Г. Скребец, Е.Б. Смагоринская, И.И. Схаляхо, В.И. Толмосов, Т.В. Хмельницкая, Д.М. Ямбаевлар исбот қилиш иштирокчилари ва далилларни тўплаш хусусиятларини, А.Н. Лашко, С.Б. Россинский, М.Е. Сморгунова, Н.Ю. Черкасовлар далилларни текшириш хусусиятларини, И.И. Белохортов, Е.В. Бондар, Е.П. Гришина, Я.В. Жданова, Л.В. Клейман, Е.А. Купряшина, В.Ю. Миронов, А.А. Прокопенко, Ф.В. Чирков, М.А. Шитовлар далилларни баҳолаш хусусиятларини тадқиқ этган.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар натижаларини, амалдаги жинойт-процессуал қонун ҳужжатлари нормалари ва уларни қўллаш амалиётини, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш масалалари комплекс тарзда тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари» илмий-тадқиқот иши доирасида амалга оширилган (2016–2019).

Тадқиқотнинг мақсади ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш механизмининг такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жинойт процессида исбот қилишнинг тушунчаси, умумий шартлари ва таснифланишининг мазмун-моҳиятини ёритиш;

исбот қилишнинг умумий шартларига оид қоидаларнинг ривожланиш босқичларини ва исбот қилишнинг иштирокчилари тавсифини тадқиқ қилиш;

далилларни тўплаш, бунда замонавий техника воситаларидан фойдаланиш, электрон далилларга доир масалаларни таҳлил қилиш;

исбот қилишда далилларни текшириш хусусиятларини аниқлаштириш ва уни такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ қилиш;

далилларга баҳо беришнинг мазмун-моҳиятини ёритиш, уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмига оид муаммоларни тадқиқ қилиш;

далиллар мажмуини баҳолашнинг механизмини ривожлантириш йўналишларини тадқиқ қилиш;

ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш бўйича илғор хориж тажрибасини ўрганиш, уни ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари ва уларни қўллаш амалиёти, чет эл давлатлари қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли ёндашув, қиёсий-мантиқий, анализ ва синтез, сўров, комплекс ёндашув каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳимоячининг жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ҳуқуқини қонунда белгилаш орқали уни далилларни тўплашга ваколатли субъектлар доирасига киритиш асосланган;

сохталаштириш йўли билан олинган фактик маълумотлардан далил сифатида фойдаланишнинг мақбул эмаслигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш асослаб берилган;

ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, эксперимент тергов ҳаракатлари натижаларини қайд қилишда видеоёзув воситаларидан фойдаланишнинг мажбурийлигини белгилаш асосланган;

далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисида мурожаат келиб тушганда арз қилувчининг важларини хизмат текшируви ва экспертиза тайинлаш йўли билан текшириш зарурлиги асослаб берилган;

жабрланувчи, гувоҳнинг хабардорлиги манбасини айтиб бера олмаган кўрсатувларидан далил сифатида фойдаланишнинг мақбул эмаслиги асосланган;

ҳодиса жойи терговчи томонидан шахсан кўздан кечирилишини таъминлаш, ҳодиса содир бўлган жойга ўзга шахсларнинг киришини қатъиян тақиқлаш орқали далилларни тўплашда қонун талаблари бузилишининг олдини олиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Жиноят-процессуал қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан билдирилган таклиф ва тавсиялар ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлашга, шунингдек жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахснинг айбини фош этиш, жиноят қонунини

тўғри қўлланилишини таъминлаш орқали одил судловни амалга оширишга хизмат қилади.

Диссертация натижаси бўйича ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасининг қабул қилиниши нафақат исбот қилиш институтининг такомиллаштирилишига, балки суд-тергов амалиётида исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотни ўтказишда илмий билишнинг умумий ва махсус усулларида кенг фойдаланилган. Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида умум эътироф этилган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далиллар асосида исботланган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан самарали ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Исбот қилиш масалалари бўйича 300 нафар суриштирувчи ва терговчилар, 35 нафар мутахассислар (изланувчилар ва олимлар) фикрларини ўрганиш учун ўтказилган сўровлар, 300 та жиноят ишлари ва 110 та суднинг оқлов ҳукми материаллари ҳамда статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилган ва тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан мавзуга оид халқаро ҳуқуқий нормалар, миллий қонун ҳужжатларини ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, тегишли қонун нормаларини шарҳлашда, жиноят-процессуал ҳуқуқ фанини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, янги илмий тадқиқотларни олиб боришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш, шунингдек, исбот қилиш субъектларининг фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган қонун ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлашни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ҳимоячининг жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ҳуқуқини қонунда белгилашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2018 йил 4 апрелдаги қонуни 2-моддасининг 4-бандида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 4 мартдаги 06/1-05/880-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инobatга олиниши далилларни тўплашга ваколатли субъектлар доирасини кенгайтиришга хизмат қилган;

сохталаштириш йўли билан олинган фактик маълумотлардан далил сифатида фойдаланишни мақбул эмас деб топишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2018 йил 4 апрелдаги қонуни 2-моддасининг 6-бандида инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 4 мартдаги 06/1-05/880-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши исбот қилишда қонун талаблари бузилишининг олдини олишга ҳисса қўшган;

ўта оғир жиноятлар бўйича тергов ҳаракатлари натижаларини қайд қилишда видеоёзув воситаларидан фойдаланишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2018 йил 4 апрелдаги қонуни 2-моддасининг 5-бандида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 17 майдаги 06/1-05/890вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инobatга олиниши тергов ҳаракатлари натижаларини қайд қилишда қонун талабларига риоя этилишини таъминлашга хизмат қилган;

арз қилувчининг важларини хизмат текшируви ва экспертиза тайинлаш йўли билан текширишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2018 йил 24 августдаги 24-сон қарори 4-бандининг 4-хатбошисида инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 16 майдаги 11-34-19-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усулларнинг қўлланилишини олдини олишга ҳисса қўшган;

жабрланувчи, гувоҳнинг хабардорлиги манбасини айтиб бера олмаган кўрсатувларидан далил сифатида фойдаланишни мақбул эмас деб топишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2018 йил 24 августдаги 24-сон қарори 9-банди 1-хатбошисининг «е» кичик бандида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 16 майдаги 11-34-19-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инobatга

олиниши исбот қилишда қонун талаблари бузилишининг олдини олишга хизмат қилган;

ҳодиса жойи терговчи томонидан шахсан кўздан кечирилишини таъминлаш, ҳодиса содир бўлган жойга ўзга шахсларнинг киришини қатъиян тақиқлашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июндаги 100-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тўғрисида»ги йўриқноманинг 54-бандида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 18 февралдаги 33/02-02/453-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтиришга ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 6 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 32 та илмий иш, шу жумладан 3 та монография, 14 та илмий мақола (5 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 255 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуи бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Исбот қилишнинг умумий шартлари мазмуни, таснифланиши ва ривожланиш босқичлари**» деб номланиб, ўз ичига тўрт параграфни олган. Мазкур бобда муаллиф исбот қилишнинг мазмуни, исбот қилишнинг умумий шартлари моҳияти ва шаклланишининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатларини, исбот қилишнинг умумий шартларига оид процессуал нормалар белгиланиши ва таснифланишини, исбот қилишнинг умумий шarti сифатида исботлаш иштирокчилари ва уларнинг исботлаш жараёнидаги ўрнини, шунингдек исбот қилиш мазмунига оид айрим чет давлатлар процессуал қонунчилиги нормаларини чуқур таҳлил қилган.

Олимларнинг тадқиқот мавзусига оид баҳсли фикр-мулоҳазалари ҳақида муаллифнинг муносабати баён этилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфи «*Жиноят процессида «исбот қилиш» тушунчаси*» деб номланиб, унда исбот қилиш тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиқ беришга ҳаракат қилган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, исбот қилиш деганда, «фикр, даъво, фараз ва шу кабиларнинг тўғрилигини ёки бўлиб ўтган воқеа-ҳодисанинг чинлигини далил, ҳужжат билан тасдиқламоқ», «бирор қоида ёки даъвонинг тўғрилигини бошқа маълум қоидалар асосида мантиқий мулоҳаза ва далиллар билан тасдиқламоқ, исботламоқ»¹ тушунилади. Амалдаги Жиноят-процессуал кодексда (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатлиги белгиланган. Шунингдек, исбот қилиш мазмуни ҳақида кўпгина олимларнинг қарашларини келтирган ҳолда уларни қиёсий таҳлил қилган. Жумладан, А.В.Авилов, Б.А.Азизходжаев, В.С. Балакшин, Ш.Н.Бердияров, И.А. Грудинин, А.Ю.Дементьев, Я.В. Жданова, С.В. Корнакова, Е.Э.Курзинер, С.А.Лубин, О.М.Мадалиев, Д.М.Миразов, Б.А. Миренский, Н.В. Пальчикова, Л.А.Татаров, Б.А. Тетенькин, Г.З. Тўлаганова, И.Э.Хожаназаров, Н.П. Царева, Ю.В. Шелеговларнинг исбот қилиш мазмуни ва босқичлари ҳақидаги фикрлари танқидий таҳлил қилинган, И.М.Гуткин, Е.А.Карякинларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган. Ю.А.Аверина А.Н.Стуликовларнинг фикрини қисман қўллаб қувватлаган. Исбот қилиш мазмунига оид илмий қарашларнинг қиёсий таҳлили асосида қуйидаги хулосалар илгари сурилган: 1) исбот қилиш бу – далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат; 2) исбот қилиш бу – тергов тусмолларини илгари суриш ва уларни динамик ривожлантириш, жиноят ишининг фактлари ва ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни ва далилларни тўплаш, текшириш, шунингдек процессуал қарорларни ва жиноят иши бўйича ишончли хулосаларни шакллантириш ва асослаш; 3) исбот қилиш бу – ҳақиқий маълумотларни қидириб топиш ва тақдим этиш; 4) исбот қилиш бу – далилларни тўплаш, уларни текшириш, уларга баҳо бериш ва улардан фойдаланиш; 5) исбот қилиш бу – далилларни аниқлаш ва тўплаш, текшириш ва баҳо бериш; 6) исбот қилиш бу – далилларни излаб топиш, тўплаш, мустаҳкамлаш ва баҳолаш.

Қайд этилган хулосалар асосида исбот қилишнинг босқичларига далиллардан фойдаланишни ҳам киритиш таклифи берилган. Ушбу таклиф ЖПКнинг 23-моддасининг учинчи қисми, 95-моддаси иккинчи қисми, 95¹-моддасининг учинчи қисмидаги нормалар, ички ишлар органларининг 300 нафар суриштирувчи ва терговчилари ўртасида ўтказилган анкета-сўров натижалари ҳамда айрим чет давлатлар ЖПКлари нормалари қиёсий таҳлили орқали асослантирилган ва муаллиф томонидан далиллардан фойдаланиш тушунчасига таъриф ишлаб чиқилган: «*Далиллардан фойдаланиш деганда,*

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., 2006. – Б. 61.

жиноят-процессуал қонун нормаларига мувофиқ аниқланган, тўпланган, текширилган ва баҳолаш натижасида ишга алоқадор, мақбул ва ишончли деб топилган далиллардан жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарларни ва жиноят ишини мазмунан ҳал қилиш мақсадида, шунингдек бошқа процессуал масалаларга оид қабул қилинадиган қарорларни асослаш жараёнидан иборат исбот қилишнинг сўнгги босқичи тушунилади». Шу билан бирга исбот қилиш предмети, далиллар мазмунига оид илмий мунозарага киришилган. Ушбу таҳлилларга кўра исбот қилиш 5 та босқичдан: далилларни аниқлаш, далилларни тўплаш, далилларни текшириш, далилларни баҳолаш ва далиллардан фойдаланишдан иборатлиги ҳақидаги фикр илгари сурилган.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи «*Исбот қилишнинг умумий шартлари мазмуни ва таснифланиши*»га бағишланган бўлиб, диссертант исбот қилишнинг умумий шартлари моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Исбот қилишнинг умумий шартлари тизими таҳлилидан келиб чиқиб, уларнинг муайян мезонлар асосида таснифланиши ва ҳар бир шартнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш орқали уларнинг моҳиятини яхшироқ англаш мумкинлиги эътироф этилади. Шунга кўра исбот қилишнинг умумий шартлари қуйидаги 4 та мезонлар асосида таснифланган:

1. Шартларнинг муҳимлик даражасига кўра:

- асосий шартлар;
- қўшимча шартлар.

2. Шартларнинг исбот қилиш босқичларига боғлиқлигига кўра:

- далилларни тўплаш билан боғлиқ шартлар;
- далилларни текшириш билан боғлиқ шартлар;
- далилларни баҳолаш билан боғлиқ шартлар.

3. Исбот қилишнинг умумий шартларини улардаги талабларнинг ифода этилишига кўра:

- тақиқ ўрнатувчи шартлар;
- ҳуқуқ берувчи шартлар;
- мажбурият юкловчи шартлар;
- ҳам ҳуқуқ берувчи ва ҳам мажбурият юкловчи шартлар.

4. Исбот қилишнинг умумий шартларини улардаги шартларнинг ифодаланишига кўра:

- тартибга солувчи шартлар;
- таърифловчи шартлар;
- тартибга солинмаган шартлар.

Тартибга солинмаган шартлар сифатида: далилларни аниқлаш, далиллардан фойдаланишга оид талаблар; далилнинг аҳамиятлилигини баҳолашга оид талаблар; далиллар мажмуини айблаш ва ҳукм қилиш учун етарлилиги нуқтаи-назаридан баҳолашга оид қоидалар; исбот қилишда шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш билан қўрқитишнинг тақиқланишига оид талаблар; исбот қилишда руҳий тазйиқ ўтказиб, кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва

берилишига эришишнинг тақиқланишига оид қоидалар; далилларни рақамли қайд этиш усуллари кўллаш ва «рақамли жиноят иши»ни юритиш тартибига оид қоидалар; далилларни текширишда уларни ўзаро таққослаб таҳлил қилишга оид қоидалар; далилнинг алоқадор эмаслиги, ишончли эмаслиги ҳақидаги қоидаларни қайд этади.

Шунингдек, ушбу параграфда амалга оширилган таҳлилларга асосан исбот қилишнинг умумий шартларига қуйидагича муаллифлик таърифи келтирилган: *«Жиноят процессида исбот қилишнинг умумий шартлари – бу ваколатли субъектлар томонидан процесснинг барча босқичларида далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш жараёнида амал қилиниши зарур бўлган мажбурий қоида ва талаблар мажмуидир».*

Биринчи бобнинг учинчи параграфи *«Исбот қилишнинг умумий шартларига оид қоидаларнинг ривожланиш босқичлари»* деб номланган бўлиб, унда исбот қилишнинг умумий шартлари ривожланиш тарихини ўрганиш натижалари баён этилган. Жумладан, республикаимиз ҳудудида мавжуд бўлган қадимги давлатларда жиноят ва жазо тизими эрамизнинг VII–VIII асрларига қадар одат ҳуқуқи ҳамда зардўштийлик динининг асосий манбаси бўлган «Авесто» асосида тартибга солинган. VIII асрдан то XIX асрнинг охирига қадар эса, жиноят ва жазо тизими одат нормалари билан биргаликда шариат нормалари билан ҳам белгиланганлиги, бу даврда жиноят ишларини юритувчи олий суд ҳокимияти сўзсиз равишда хон ва амирнинг назорати остида иш юритганлиги, қозилик судларида ишни судга қадар юритиш мавжуд бўлмаганлиги, бироқ ушбу даврларда ҳам исбот қилиш ва унинг умумий шартларига оид маълум бир қоидалар мавжудлиги, шариат нормалари асосида далилларнинг уч хил кўриниши: а) айбига иқрорлик; б) гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш; в) қасам ичган ҳолда маълумотнинг тасдиқланиши кабилар эътироф этилганлиги таъкидланади.

Юртимиз ҳудудлари чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг мамлакатимиз ҳудудларида шариат ва одат нормалари билан биргаликда Чор Россиясининг 1864 йил 20 ноябрдаги «Суд ишларини юритиш устави» ҳам амал қилган. Ушбу Уставнинг жиноят ҳодисасини текшириш деб номланган 4-бобидаги 371-376-моддаларда ашёвий далилларни тўплаш ва уларни сақлаш тартиби белгиланганлиги, 1922 йилдаги РСФСР ЖПК ва 1926 йилнинг 16 июнида қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг биринчи ЖПКда ҳам исбот қилиш ва исбот қилишнинг умумий шартлари «Далиллар ҳақида» деб номланган IV ва «Баённомалар ҳақида» деб номланган V бобларда тартибга солинганлиги, 1929 йилнинг 29 июнида қабул қилинган ЖПКда 1922 йилдаги РСФСР ЖПК ва 1926 йилдаги Ўзбекистон ССР ЖПКдан фарқли ўлароқ, «далилларни тўплаш» алоҳида 3-бобида тартибга солинганлиги, унда далиллар билан боғлиқ (далиллар тушунчаси ва турлари (22-м.), ашёвий далиллар тушунчаси (31-м.), шунингдек исбот қилишнинг умумий шартлари билан боғлиқ, яъни шахсий тинтув ва гувоҳлантириш тергов ҳаракатлари шахсни ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ ҳолатда ўтказилса, бошқа жинсдаги иштирокчиларнинг қатнашинининг

тақиқланиши ва агарда тергов ҳаракати унга нисбатан ўтказилаётган шахс бунга қаршилик қилмаган ҳолатлар бундан мустасно этилишини белгиловчи процессуал норма (39-м.) тартибга солинганлиги, 1959 йилдаги Ўзбекистон ССР ЖПКда ҳам исбот қилишнинг умумий шартлари билан боғлиқ бўлган процессуал нормалар «жиноят иши бўйича далиллар» деб номланган 3-бобнинг таркибига киритилганлиги ва ушбу бобда исбот қилишнинг умумий шартларига оид исбот қилишнинг мустақил босқичлари бўлган далилларни тўплаш (51-м.) ва далилни баҳолаш (52-м.) қоидалари акс этганлиги, унда иш бўйича тўпланган барча далиллар терговчи, суриштирувни амалга ошираётган шахс, прокурор ва суд томонидан синчковлик билан ҳар томонлама ва ҳолисона текширилиши, 52-моддасида далилни баҳоловчи субъектлар сифатида терговчи, суриштирувни амалга ошираётган шахс, прокурор ва суд далилларни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўриб чиққан ҳолда ўзларининг ички ишончлари бўйича ҳуқуқий онгга амал қилган ҳолда ва далиллар мажмуини эса қонунга асосан ва ҳуқуқий онгга амал қилиб баҳолашлари кераклигига оид талаблар илк бор ўз ифодасини топганлиги эътироф этилган.

1922 йилдаги РСФСР ЖПК, 1926, 1929 ва 1959 йиллардаги Ўзбекистон ССР ЖПКларининг ўзаро ва амалдаги ЖПКга қиёслаш асосида амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқиб, жиноят-процессуал ҳуқуқи тарихида исбот қилишнинг умумий шартлари ва унда тартибга солинган ҳуқуқий нормаларнинг дастлабки кўринишларининг тарихий ривожланиш босқичлари шартли равишда тўрт босқичга бўлинган.

биринчи босқич, эрамининг VII–VIII асрларига қадар бўлган босқич бўлиб, ушбу даврда республикамиз ҳудудида мавжуд бўлган қадимги давлатларда жиноят ва жазо тизими одат ҳуқуқи ҳамда зардўштилик динининг асосий манбаси бўлган «Авесто» асосида тартибга солинган;

иккинчи босқич, VIII асрдан то XIX асрнинг охирига қадар бўлган даврни қамраб олиб, бу даврда мамлакатимиз ҳудудидаги давлат тузилмаларида, жиноят ва жазо тизими одат нормалари билан биргаликда шариат нормалари билан ҳам тартибга солинган;

учинчи босқич, юртимиз ҳудудлари чор Россияси томонидан босиб олингандан то мустақиллик кўлга киритилгунга қадар бўлган даврда қозилик ва бийлик судларининг фаолиятига секин барҳам берилганлиги, 1926, 1929 ва 1959 йиллардаги Ўзбекистон ССР ЖПКларининг шакллантирилиш ва такомиллаштирилиши жараёнларини ўзига қамраб олган;

тўртинчи босқич, Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритганидан кейинги давр билан боғлиқ бўлиб, суд-тергов фаолиятидаги демократик ислохотлар ва исбот қилишнинг умумий шартлари институтининг замонавий талаблар асосида қонуний мустаҳкамланиши ва такомиллаштирилиши жараёнлари билан кечганлиги қайд этилган.

Биринчи бобнинг тўртинчи параграфи «*Исбот қилишнинг умумий шarti сифатида исбот қилишнинг иштирокчилари*» деб номланган бўлиб унда муаллиф, исбот қилиш иштирокчилари сифатида кўрсатилган субъектлар қонунда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва

баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга ошириши ҳамда мажбуриятларни бажариши, бу ҳақда фикр билдирган олимлар билан илмий мунозарага киришган ҳолда ЖПКнинг 86-моддасининг биринчи қисмида исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд амалга ошириши белгиланганлигига оид процессуал қоидада муайян ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлигини, бу эса исбот қилишнинг умумий шартлари талаблари бузилишига замин яратишини таъкидлайди. Шунга кўра, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ва исбот қилишни бевосита амалга оширувчи иштирокчилар қаторига киритиш зарур деб ҳисоблайди. Шу билан бирга исбот қилиш иштирокчилари билан боғлиқ айрим чет давлатларнинг ЖПКларининг нормаларини қиёсий таҳлил қилган ҳолда қуйидаги хулосаларни баён этади:

1) исбот қилиш мажбурияти фақат жиноий таъқибни амалга оширувчи органлар томонидан амалга ошириладиган давлатлар – Арманистон;

2) исбот қилиш мажбурияти жиноий таъқибни амалга оширувчи органлар, давлат ва хусусий айбловчилар зиммасига юклатилган давлатлар – Беларусь;

3) исботлаш мажбурияти давлат айбловчисига ёки айбловчига юклатилган давлатлар – Озарбайжон, Қозоғистон ва Туркменистон;

4) исботлаш мажбурияти суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, судьяга юклатилган давлатлар – Тожикистон;

5) исботлаш мажбурияти жиноий таъқибни амалга оширишувчи органлар ва суд инстанцияларига юклатилган давлатлар – Молдова;

6) исботлаш мажбурияти судга юклатилган давлатлар – Эстония.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Исбот қилишда далилларни тўплашнинг долзарб масалалари»** деб номланиб, мазкур бобда далилларни тўплаш мазмуни таҳлил қилинган ва далилларни тўплаш билан боғлиқ шартларни такомиллаштириш ҳақида сўз юритилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи *«Исбот қилишнинг умумий шартли сифатида далилларни тўплаш»* деб номланиб, мазкур параграфда «далилларни тўплаш» тушунчасига олимлар томонидан билдирилган фикрлар таҳлил қилиниб, илмий мунозарага киришилган. Муаллиф «далилларни тўплаш жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни исботлаш мақсадида далиллар, уларнинг манбаларини қидириб топиш, аниқлаш ва қайд этишга қаратилган ваколатли органлар, мансабдор шахслар ва бошқа иштирокчиларнинг жиноят-процессуал фаолияти», деб ҳисоблайди. Айрим олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, исбот қилишнинг дастлабки босқичини далилларни аниқлаш деб аташ зарур дейди. Чунки «аниқлаш» атамаси далилларнинг пайдо бўлиш жараёни тўғрисидаги тасаввурга мос келади. Бу эса қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади: 1) ҳодиса содир бўлган жойда жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи изларининг вужудга келиши; 2) исботлаш субъектлари томонидан ҳодиса содир бўлган жойда қолдирилган жиноят изларига оид ҳақиқий маълумотларнинг қабул қилиб олинishi, бир вақтнинг ўзида уларни англаш ва тасаввурнинг шаклланиши; 3) ана шу ҳақиқий маълумот, шакл ёки

кўринишга тегишли процессуал шакл бериш орқали унинг ўз хусусиятини йўқотмаган ҳолда сақлаб қолинишини таъминлайдиган ҳаракатларни амалга ошириш. Далилларни аниқлаш терговга қадар текширув, тергов ва суд давомида суриштирувчи, терговчи, суд томонидан тергов, суд ёки бошқа процессуал ҳаракатлар, шунингдек тезкор-қидирув тадбирлари ёрдамида амалга оширилади.

Далилларни тўплаш тушунчаси ва айрим хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигидаги қоидаларини таҳлил қилган ҳолда далилларни тўплаш борасида ҳар бир давлатда турлича тажриба шаклланганлиги ва бу эса ўз навбатида ўша давлатларнинг бу борадаги нормаларининг такомиллашувига олиб келганлигини эътироф этади. Таҳлиллар натижасига кўра «далилларни тўплашнинг моҳияти далилларни аниқлаш, жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ва фактлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш, талаб қилиш ва уларни тегишли тарзда процессуал мустаҳкамлаш орқали далилларни қўлга киритишдан иборат»лиги қайд этилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи «Далилларни тўплашга оид шартларни такомиллаштириш масалалари» деб номланиб, унда муаллиф таъкидлашича далилларни тўплашда далиллар мазмунини яхшироқ англаш зарурлигини эътироф этган ҳолда ЖПКдаги «бошқа ҳужжатлар» жумласига аниқлик киритиш зарурлигини эътироф этади. Бу ҳақда кўпгина олимларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда, «бошқа ҳужжатлар – бу тегишли реквизитларга эга бўлган, жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга оидинлик киритиш учун хизмат қиладиган ва ЖПКда белгиланган тартибда тўпланган ахборотли моддий объектлардир» деган таъриф ишлаб чиққан ҳамда ушбу мазмундаги қоида ЖПКнинг 87-моддасига янги таҳрирдаги учинчи қисм сифатида киритилишини зарур деб ҳисоблайди.

Шунингдек, тергов ҳаракатлари, суд ҳаракатлари ва тезкор қидирув тадбирлари тушунчалари мазмунини таҳлил қилган ҳолда, ҳимоячига далил тўплаш ваколати берилса унинг ҳаракатлари қайси процессуал ҳаракатга кириши, жиноят процессида ҳимоячининг далилларни тўплаши билан боғлиқ механизмга оид баҳс ва мунозаралар ҳақида сўз юритади. Шунга кўра қуйидаги таклифни илгари сурган: «Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, шахслардан тушунтиришлар олиш ва уларни сўровдан ўтказиш йўли билан тўпланади».

Тушунтириш хатининг мазмуни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб, бу ҳақда олимлар томонидан билдирилган фикрларни таҳлил қилган ҳолда

«тушунтириш хатини олиш бу – ваколатли субъектлар томонидан ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга оид маълумотларга эга фуқаролар ва мансабдор шахслардан ушбу маълумотларни ёзма шаклда олишдан иборат процессуал ҳаракатдир», – деган фикрни баён этади ҳамда тушунтириш хатини олишда амал қилиш зарур бўлган тартибга оид таклифларини беради. Шу билан бирга ҳимоячи томонидан шахсларни сўровдан ўтказиш ҳақида ҳам ўтказилган изланиш натижаларини баён этган ҳолда сўров ўтказишнинг хусусиятларини ажратиб кўрсатади ва ўз хулосасини «шахсларни сўровдан ўтказиш бу – ҳимоячи(адвокат) томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ ёки жабрланувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга оид маълумотларга эга фуқаролар ва мансабдор шахслардан ушбу маълумотларни оғзаки шаклда олишдан иборат процессуал ҳаракатдир», – деб баён этади.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи «Далилларни тўплашда замонавий техника воситаларидан фойдаланиш ва электрон далиллар масаласи» деб номланиб, унда далилларни тўплашга оид муҳим қоидалардан тўплаш жараёни ва натижаларини расмийлаштириш, далилларни тўплашда давлат сирлари қўриқланишини таъминлаш, далилларни тўплаш ва қайд этиш жараёнларида замонавий техника воситаларидан фойдаланиш шартлари, уларни қўллашга қўйилган процессуал талаблар ва қоидалар ҳақида сўз юритилган. «Электрон далиллар»нинг имкониятларини таҳлил қилган ҳолда, «Электрон жиноят иши», жиноят ишлари бўйича исботлашда электрон ресурслардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, яъни ЖПКда «электрон жиноят иши», «электрон далил», «рақамли ахборот ташувчиси», «электрон маълумот», «электрон ахборотдан нусха кўчириш», «электрон ҳужжат», деган тушунчаларни процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлайди.

Муаллиф «Электрон ахборот» ёки «электрон далил» тушунчаларининг ўзига хос хусусиятларини келтиради ва ЖПКда «электрон жиноят иши», «электрон далил», «рақамли ахборот ташувчиси», «электрон маълумот», «электрон ахборотдан нусха кўчириш» ва «электрон ҳужжат» каби атамаларга аниқлик киритилиши ҳамда мавжуд бўшлиқларнинг бартараф этилиши далилларни тўплаш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилади деб ҳисоблайди.

Диссертациянинг **«Исбот қилишнинг умумий шарти сифатида далилларни текширишнинг мазмуни ва уни такомиллаштириш истиқболлари»** деб номланган учинчи бобида эса далилларни текшириш мазмуни, мақсади ва хусусиятлари, шунингдек далилларни текширишга оид исбот қилишнинг умумий шартларини такомиллаштириш ҳақида фикр юритилган ва тегишли таклифлар баён этилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи «Исбот қилишда далилларни текшириш хусусиятлари» деб номланган бўлиб, ушбу параграфда далилларни текшириш тушунчасини таҳлил қилиш асосида юридик адабиётларда билдирилган мутахассисларнинг бу борадаги фикрларида

турли ёндашувларнинг борлиги қайд этилади. Соҳа олимларининг фикрларини таҳлил қилиш ва илмий мунозарага киришиш орқали далилларни текшириш мазмуни ва хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Таҳлилларга кўра далилларни текшириш жараёнида:

- 1) текширилаётган далилларни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин бўлган қўшимча далилларни тўплаш;
- 2) далил манбасининг сифатини аниқлаш;
- 3) далилларни таҳлил ва синтез қилиш, жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар билан таққослаш, уларнинг ишончли ёки ишончли эмаслигини аниқлаш мумкин.

«Далилларни текшириш» тушунчасининг моҳиятини тўла очиб бериш ва етарли даражада чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида, хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунларининг далилларни текшириш билан боғлиқ бўлган нормалари таҳлил қилинган ва қуйидаги хулосаларга келинган:

- 1) далилларни текшириш бу – далилларни таҳлил қилиш;
- 2) далилларни текшириш бу – уни бошқа далиллар билан таққослаш, янги (қўшимча, бошқа) далиллар тўплаш;
- 3) далилларни текшириш бу – уларни кенг қамровли (тўлиқ) ва холисона текширилиши;
- 4) далилларни текшириш бу – далил манбаларини текшириш.

Муаллиф фикрича, ЖПКнинг 94-моддасида белгиланган далилларни текшириш тартиби бугуннинг талабларига жавоб бермайди ва такомиллаштиришга муҳтож. Чунки, 2018 йилда судлар томонидан 590 нафар шахснинг оқланиши, 5 минг 462 нафар шахсга нисбатан терговда асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланганлиги, 2 минг 449 нафар шахс эса суд залидан озод қилинганлиги тўпланган далилларнинг етарли даражада текширилмаганлигидан ва уларнинг мақбул бўлмаганлигидан келиб чиққан. Далилларни текшириш тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган: *«Далилларни текшириш бу – иш бўйича тўпланган ҳар бир далилни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона қиёсий таҳлил қилиш, бошқа далиллар билан солиштириш ва қўшимча далиллар тўплашдан иборат бўлиб, қўшимча далиллар текширилаётган далилни тасдиқлаши ёки рад этишига кўра далилнинг ишончли ёки ишончли эмаслиги аниқланади».*

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи *«Далилларни текширишни такомиллаштириш йўналишлари»* деб номланган бўлиб, унда далилларни текшириш билан боғлиқ процессуал қоидаларни қўллашда учраётган суд-тергов амалиётидаги муаммоларни таҳлил қилган ҳолда диссертант қўшимча далиллар тўпланиши ЖПКнинг далилларни тўплашни тартибга солувчи нормалари талаблари асосида амалга оширилади ва шу боис далилларни тўплаш ва текширишнинг бир-бири билан боғлиқлигини эътироф этади. Жумладан, ҳар бир далилнинг ишончли ёки ишончли эмаслигини аниқлашда текширув амалга оширилиб, текшириш натижаси далилнинг ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳолашга хизмат қилади. Тўпланган далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс

эттирган тақдирда албатта ушбу далилни текшириш учун қўшимча далиллар тўпланиши шарт. Шу боис, далилларни текшириш ўз навбатида далилларни баҳолаш билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканлиги ва исбот қилишнинг ушбу босқичлари бир вақтнинг ўзида изчил ва узлуксиз давом этиши мумкинлигини таъкидлайди.

Муаллифнинг фикрича, далилларни текшириш жараёни мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, фақатгина қўшимча далилларни тўплашнинг ўзи ушбу жараёни тўлиқлигича қамраб ололмайди. Чунки, далилларни текшириш жараёнида улар таҳлил қилинмаса, ишдаги бошқа далиллар билан солиштириб кўрилмаса, унинг келиб чиқиш манбасининг ЖПК талабларига мос ёки мос эмаслиги аниқланмаса далилларни текширишнинг мезонларига амал қилиш жуда ҳам мушкул бўлади. Далилларни текширишга оид таҳлиллар натижасига асосланган муаллиф фикрича: *«Далилларни текшириши иш бўйича тўпланган ҳар бир далилни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона қиёсий таҳлил қилиши, бошқа далиллар билан солиштириши ва қўшимча далиллар тўплашдан иборат бўлиб, қўшимча далиллар текширилаётган далилни тасдиқлаши ёки рад этишига кўра далилнинг ишончли ёки ишончли эмаслиги аниқланади».*

Тадқиқот ишининг **«Исбот қилишнинг умумий шарти сифатида далилларга баҳо бериш ва уни такомиллаштириш масалалари»** деб номланган тўртинчи бобида исбот қилишнинг умумий шарти сифатида далилларга баҳо бериш мазмуни, унинг мақсади ва аҳамияти, шунингдек далилларга баҳо бериш билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар тадқиқ этилган ҳамда далилларга баҳо бериш тартибига оид умумий шартларни такомиллаштириш ҳақидаги таклифлар баён этилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи *«Далилларга баҳо беришнинг мазмуни»* деб номланган бўлиб, муаллиф далилларни баҳолаш – исботлаш жараёнининг энг муҳим босқичи ҳисобланиши боис муаллиф у ҳақда кўпгина олимларнинг фикрларини қиёсий таҳлили асосида илмий-назарий адабиётларда далилларга баҳо берувчи субъектлар доираси, далилни баҳолаш мезонлари ҳақида сўз юритади. Шунингдек, далилларга баҳо беришда ҳуқуқий онг ва қонунга асосланиш кераклиги ҳақида илмий мунозарага киришган муаллиф, олимларнинг далилларни баҳолашда мантиқ ва ҳуқуқ меъёрларига ёки қонун, мантиқ ва ҳуқуқий виждонга амал қилинади, деган фикрларга қўшилмаган. Шунга кўра муаллиф ЖПКдаги далилларга баҳо беришда қонунга ва *ҳуқуқий онгга* амал қилиш мазмунидаги қисмини такомиллаштиришга эҳтиёж мавжуд, деб ҳисоблайди. Яъни айрим чет давлатлар қонунчилиги ва ўтказилган социологик сўров ва жинойт ишларини ўрганиш натижаларига асосан далилларни баҳолашда ҳуқуқий онгга амал қилиниши ҳақидаги қоида қонунчиликдан чиқарилиши керак деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга «далилларга баҳо бериш» ва «далилларни баҳолаш» тушунчаларининг фарқли жиҳатларини ёритиб, «тўпланган далилларни баҳолаш орқали уларнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги текширилади. Аммо далилларга баҳо бериш билан далилларни баҳолаш

айнан эмас, деган фикрларга қўшилади. Ишга алоқадор, мақбул ва ишончли далиллар мажмуи шахснинг айбли-айбсизлигини исботлаши нуқтаи назаридан баҳоланади. Ишни судга юбориш учун далилларнинг етарлилигини, етарли бўлмаса қўшимча далиллар тўплаш зарурлиги ёки тўпланган далиллар шахсни содир этилган жиноятга дахлдор ёхуд унинг қилмишида жиноятнинг таркиби мавжуд эмаслигини, шунингдек жиноий ходиса юз берган-бермаганлигини аниқлашда далиллар мажмуи баҳоланади.

Муаллиф таҳлил натижасида қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суради:

1) *«далилга баҳо бериш деганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ва судьянинг ишидаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда, қонунга амал қилиб, ўзларининг ички ишончлари бўйича ҳар бир далилга ишга алоқадорлиги, аҳамиятлилиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан, тўпланган барча далиллар мажмуига эса, айблаш ва ҳукм қилиш учун асослар етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши қаратилган мантиқий фикрлаш фаолияти тушунилади»;*

2) ЖПК 95-моддаси биринчи қисмини *«Жиноят иши бўйича тўпланган барча далиллар мажмуи айблаш ва ҳукм қилиш учун асослар етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак»*, деган норма билан тўлдириш;

3) айрим далиллар, хусусан эксперт хулосаси илмий асосланганлиги ва процессуал қоидаларга риоя этилганлиги мезонлари бўйича ҳам баҳоланиши асослаб берилган;

4) ЖПК 95-моддаси биринчи қисмидаги *«қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб»* деган жумлани *«қонунга амал қилиб»* деган таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи *«Далилларга баҳо беришни такомиллаштириш масалалари»* деб номланади. Ушбу параграфда муаллиф далилларга қўйиладиган талаблар, далилларнинг хоссалари, шунингдек далилларга баҳо бериш билан боғлиқ қоидаларни такомиллаштириш ҳақида сўз юритган ва бу ҳақда муайян таклифлар берилган. Жумладан, далилнинг аҳамиятлилиги ҳақида қуйидагича муаллифлик таърифи берилган: *«Далилни аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиш тўпланган маълумотларнинг исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, шунингдек жиноят иши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар ва фактлар билан объектив алоқалари мавжудлигини аниқлашдан иборат»*. Шунингдек, далилларни мақбуллиги, ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиш хусусиятлари таҳлили асосида *«далилни ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиш деганда, текширув натижасида жиноят ишига тааллуқли мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларнинг ҳақиқатга мувофиқ эканлиги (объектив воқеликка мос келиши)ни, уларнинг шубҳасизлигини аниқлаш тушунилиши»*ни таъкидлайди. Тўпланган барча далиллар мажмуини айблаш ва ҳукм қилиш учун етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиш ҳақида сўз юритган муаллиф далиллар мажмуини ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисоблашда исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар бўйича ҳақиқатни баҳсиз

аниқлаш имконини зарурий шарт сифатида белгилашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди ва ЖПК 95-моддасининг бешинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этади: *«Айблаш ва ҳукм қилиш учун исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатга оид ҳақиқатни баҳссиз аниқловчи ишга алоқадор, мақбул ва ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг мажмуи ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади»*.

Ишнинг **«Исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш хусусиятлари»** деб номланган бешинчи бобида исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш механизми, у билан боғлиқ муаммолар, шунингдек исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш механизми сифатида далиллар мажмуини баҳолаш қоидаларини такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболлари билан боғлиқ тадқиқот натижалари акс этган.

Бешинчи бобнинг *«Исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмига оид муаммолар»* деб номланган биринчи параграфиди исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш механизми сифатида ЖПКнинг 85-95¹-моддаларида белгиланган шартларга риоя этилишининг энг асосий жиҳатларидан бири ушбу шартларнинг камчилик ва нуқсонлардан ҳоли бўлишидадир, дейди муаллиф.

ЖПКнинг исбот қилиш жараёнида учрайдиган ва исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш механизмига оид муаммоларга ЖПК 88-моддасининг иккинчи қисмидаги 2-бандда исбот қилишда зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар билан кўрсатув, тушунтириш, хулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиш тақиқланганлиги кўрсатилган бўлсада, ушбу бандда қонунга хилоф руҳий ёки бошқача тарзда босим ўтказишнинг тақиқланиши бўйича процессуал қоида белгиланмаганлигини таъкидлаган ҳолда тергов амалиётида суриштирувчи ёки терговчи томонидан гумон қилинувчи, айбланувчиларга нисбатан кўрсатув беришга мажбур қилиш, тазйиқ ўтказиш, шаъни ва кадр-қимматини камситиш ҳоллари учраши, шу боис, ЖПК 88-моддасининг иккинчи қисмидаги 1-2-бандларга тегишли ўзгартишлар киритиш ва унинг 1-бандидаги матнни «шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш ёхуд шундай хатти-ҳаракатлар содир этиш билан қўрқитиш» ва 2-бандидаги матннинг «алдаш» деган сўзидан кейин «руҳий тазйиқ ўтказиш» деган жумлани киритиш мақсадга мувофиқлигини эътироф этган.

Бешинчи бобнинг *«Далиллар мажмуини баҳолашнинг механизмини ривожлантириш масалалари»* деб номланган иккинчи параграфиди исбот қилишнинг умумий шартлари сифатида далиллар мажмуини баҳолаш қоидалари исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш механизми сифатида жуда катта аҳамият касб этади. Бироқ, амалдаги ЖПКнинг далилларни баҳолашни тартибга солувчи 95-моддасининг таҳлилининг кўрсатишича, унда далиллар мажмуининг баҳоланиши тартибга

солинмаганлиги, айрим чет давлатлар қонунчилиги таҳлили ва соҳа олимларининг ЖПКнинг далилларни баҳолашга оид фикрларидан келиб чиққан ҳолда ЖПК 95-моддаси биринчи қисмини *«Жиноят иши бўйича тўпланган барча далиллар мажмуи айблаш ва ҳукм қилиш учун етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак»*, деган норма билан тўлдиришни таклиф этади.

ЖПК 95-моддаси биринчи қисмида ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги қайд этилган. Мазкур илмий-тадқиқот ишда юридик адабиётлар, олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари натижалари юзасидан таклиф ва тавсиялар ҳамда чет давлатлар ЖПКларидаги исбот қилишни тартибга солувчи нормаларнинг таҳлили, мутахассислар ҳамда суриштирувчи ва терговчилар ўртасида ўтказилган анкета сўровининг таҳлиллари асосида ҳар бир далил аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан ҳам баҳоланиши кераклиги бўйича тавсиялар илгари сурилган. Чунки, далиллар мажмуини баҳолашда унинг кучи ва аҳамиятлилиги катта аҳамият касб этади.

Далилнинг кучи яъни аҳамиятлилигини аниқлаш учун унинг қуйидаги турларига:

1) ашёвий далиллар: ўғирланган ва олиб кетилган нарсалар, жиноят қуроли, жиноят воситаси, жиноят излари;

2) ҳужжатлар: маълумотномалар, шахсни тасдиқловчи ва тавсифловчи ҳужжатлар, диплом, сертификат, ордер, лицензия, кадастр ҳужжатлари, шартнома, битим, юк хатлари, ишончномалар, гувоҳномалар, шаҳодатнома, аттестат, қайд қилиш журналлари, ариза, билдирги, мурожаат, далолатнома;

3) ёзма далиллар: эксперт хулосаси, тафтиш далолатномаси, тушунтириш хати, хатлар, тилхатлар, белгили ёзувлар, газета, журнал, мақола, эълон, афиша, қўлёзмалар, чизмалар, режалар, йўл хариталари;

4) кўрсатмалар: шоҳиднинг кўрсатмалари, жабрланувчининг кўрсатмалари, бошқа гувоҳларнинг кўрсатмалари, гумон қилинувчи ва айбланувчининг кўрсатмалари, холисларнинг кўрсатмалари, экспертнинг кўрсатмалари, мутахассиснинг кўрсатмалари;

5) фотосурат, аудио ва видео ёзувлар;

6) электрон маълумотлар;

7) ёзувларга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлайди.

Далиллардаги маълумотларни ўзгартириш имкониятининг қай даражадалигига қараб аҳамияти ва кучи баҳоланиши таснифланган, шунга кўра далилларнинг ва уларнинг мажмуининг етарлилиги ҳақида тегишли хулосага келиш мумкинлиги асослантирилиб, бунда, юқори аҳамиятга эга далилларга ашёвий далиллар ва ҳужжатлар, камроқ аҳамиятли далилларга кўрсатувлар, эксперт хулосалари, ёзма далиллар, фотосурат, аудио, видео ёзувлар ва электрон рақамли маълумотлар кириши таъкидланган. Шунингдек, далилдаги маълумотларнинг аниқлиги ва ҳажми нуқтаи-назаридан аҳамияти ва кучига кўра уларни юқори аҳамиятли ва камроқ аҳамиятли далилларга ажратиш мумкинлиги кўрсатилиб, юқори аҳамиятли далилларга видеоёзув, фотосурат, кўрсатувлар, ҳужжатлар ва камроқ

аҳамиятлиларига ашёвий далиллар, ёзма далиллар, аудиоёзувлар кириши асослаб берилган.

Жиноят ишлари бўйича айблаш ва ҳукм қилиш учун асосларни исботлашда далилларнинг етарлилигини баҳолашда маълумотларни ўзгартириш имконияти кам бўлган, шунингдек юқори даражадаги аниқ ва кенг ҳажмдаги маълумотларни акс этадиган далиллар мавжудлигига эътибор қаратиш зарурлигини қайд этади. Ишдаги аҳамияти ва кучига кўра ўзгартириш қийин бўлган, аниқ ва кенг ҳажмдаги маълумотларни ўзида акс этган, мақбул ва ишончли далиллардан камида иккита мавжудлиги ҳамда уларнинг айблаш ва ҳукм қилиш учун асосларни тасдиқлаши ишни ҳал қилиш учун етарли деб топилиши мумкин. Шу билан бирга муаллиф жиноят ишида айблаш ва ҳукм қилиш учун асосларга оид ҳар бир ҳолатни исботлаш учун талаб этиладиган далиллар миқдори ва турлари ҳақида ўз тавсияларини баён этган.

ХУЛОСА

Ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш комплекс равишда ўрганилиши ва таҳлил қилиниши натижасида, шунингдек исбот қилишнинг умумий шартларини такомиллаштиришга бағишланган мазкур тадқиқот ишининг натижалари сифатида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

I. Жиноят-процессуал ҳуқуқ фани назариясини ривожлантиришга оид тавсиялар:

1. Исбот қилиш 5 та босқичдан: далилларни *аниқлаш*, далилларни тўплаш, далилларни текшириш, далилларни баҳолаш ва далиллардан *фойдаланиш*дан иборатлиги асослантирилган. Исбот қилишнинг босқичлари сифатида далилларни аниқлаш, далиллардан фойдаланиш мазмуни таҳлил қилинган ва далилларни аниқлаш, далилларни тўплаш, далилларни текшириш, далилларни баҳолаш, далиллардан фойдаланиш тушунчаларига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Далилларни аниқлаш – бу исбот қилишнинг бошланғич босқичи бўлиб, белгиланган тартибда ишга тааллуқли ҳар қандай маълумотларни қидириб топиш ва олиш учун имкон яратишга қаратилган тергов ва процессуал ҳаракатларни муайян кетма-кетликда бажаришдан иборат фаолиятдир.

Далиллар тўплаш – бу жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ва фактлар тўғрисидаги аниқланган маълумотларни процессуал тартибда олиш ва мустаҳкамлашга қаратилган, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, судья ва ҳимоячи (адвокат)нинг фаолиятидир.

Далилларни текшириш бу – иш бўйича тўпланган ҳар бир далилни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона қиёсий таҳлил қилиш, бошқа далиллар билан солиштириш ва қўшимча далиллар тўплашдан иборат. Қўшимча далиллар текширилаётган далилни тасдиқлаши ёки рад этишига кўра далилнинг ишончли ёки ишончли эмаслиги аниқланади.

Далилга баҳо бериш деганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ва

судьянинг ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда, қонунга амал қилиб, ўзларининг ички ишончлари бўйича ҳар бир далилга ишга алоқадорлиги, аҳамиятлилиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан, тўпланган барча далиллар мажмуига эса, айблаш ва ҳукм қилиш учун асослар етарлилиги нуқтаи назаридан баҳолашга қаратилган мантиқий фикрлаш фаолияти тушунилади», деган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

Далиллардан фойдаланиш бу – исбот қилишнинг босқичи бўлиб, жиноят-процессуал қонунчилик нормаларига мувофиқ аниқланган, тўпланган, текширилган ва баҳолаш натижасида алоқадор, мақбул ва ишончли деб топилган далиллардан жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарларни ва жиноят ишини мазмунан ҳал қилиш мақсадида, шунингдек бошқа процессуал масалаларга оид қабул қилинадиган қарорларни асослаш жараёнидир.

2. Исбот қилишнинг умумий шартлари тизимли равишда таҳлил қилиниб, қуйидаги 4 та мезонлар асосида таснифи берилди:

1) Шартларнинг муҳимлик даражаси бўйича таснифи:

- асосий шартлар;
- қўшимча шартлар.

2) Шартларнинг исбот қилиш босқичларига боғлиқлигига кўра таснифи:

- далилларни тўплаш билан боғлиқ шартлар;
- далилларни текшириш билан боғлиқ шартлар;
- далилларни баҳолаш билан боғлиқ шартлар.

3) Исбот қилишнинг умумий шартларини улардаги шартларнинг мазмунига кўра таснифи:

- тақиқ ўрнатувчи шартлар;
- ҳуқуқ берувчи шартлар;
- мажбурият юкловчи шартлар;
- ҳам ҳуқуқ берувчи ва ҳам мажбурият юкловчи шартлар.

4) Исбот қилиш умумий шартларининг улардаги шартлар ифодаланишига кўра таснифи:

- тартибга солувчи шартлар;
- таърифловчи шартлар;
- тартибга солинмаган шартлар.

3. Исбот қилишнинг умумий шартларини таснифига оид тушунчаларнинг муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди.

4. Исбот қилишнинг умумий шартлари, ЖПКда белгиланган бошқа ҳужжатлар, тушунтириш хатларини олиш, шахсларни сўровдан ўтказиш тушунчаларининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

Жиноят процессида исбот қилишнинг умумий шартлари – бу ваколатли субъектлар томонидан процесснинг барча босқичларида далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш жараёнида амал қилиниши зарур бўлган мажбурий қоида ва шартлар мажмуидир.

Бошқа ҳужжатлар – бу тегишли реквизитларга эга бўлган, жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга ойдинлик киритиш учун хизмат қиладиган ва ЖПКда белгиланган тартибда тўпланган ахборотли моддий

объектлардир.

Тушунтириш хатини олиш бу – ваколатли субъектлар томонидан ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга оид маълумотларга эга фуқаролар ва мансабдор шахслардан ушбу маълумотларни ёзма шаклда олишдан иборат процессуал ҳаракатдир.

Шахсларни сўровдан ўтказиш бу – ҳимоячи(адвокат) томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ ёки жабрланувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга оид маълумотларга эга фуқаролар ва мансабдор шахслардан ушбу маълумотларни оғзаки шаклда олишдан иборат процессуал ҳаракатдир.

5. Далиллардаги маълумотларни ўзгартириш имкониятининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига, шунингдек маълумотларнинг аниқлиги ва ҳажмига қараб уларнинг кучи ва аҳамияти баҳоланиши лозимлиги ҳақида тавсия ишлаб чиқилди ва шунга кўра далилларнинг ва уларнинг мажмуининг етарлилиги ҳақида тегишли хулосага келиши мумкинлиги асослантирилди.

6. Далиллардаги маълумотларни ўзгартириш имкониятининг қай даражадалигига қараб аҳамияти ва кучига кўра: юқори аҳамиятли ёки кам аҳамиятли далилларга бўлиш таснифи асослантирилди. Бунда, юқори аҳамиятга эга далилларга ашёвий далиллар ва ҳужжатлар, камроқ аҳамиятли далилларга кўрсатувлар, эксперт хулосалари, ёзма далиллар, фотосурат, аудио, видео ёзувлар ва электрон рақамли маълумотлар кириши кўрсатиб ўтилди.

7. Далилдаги маълумотларнинг аниқлиги ва ҳажми нуқтаи-назаридан аҳамияти ва кучига кўра уларни юқори аҳамиятли ва камроқ аҳамиятли далилларга ажратиш мумкинлиги кўрсатилиб, юқори аҳамиятли далилларга видеоёзув, фотосурат, кўрсатувлар, ҳужжатлар ва камроқ аҳамиятлиларига ашёвий далиллар, ёзма далиллар, аудиоёзувлар кириши асослаб берилди.

8. Далилни ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланишнинг мазмун-моҳияти аниқлаштирилган. Жумладан, далилни ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиш деганда, текширув натижасида далилда акс этган маълумотларнинг ҳақиқатга мувофиқ эканлиги ва шубҳасиз ростлиги аниқлаш мақсадида кўшимча далиллар тўплаш, далиллар қиёсий таҳлил қилиш, бошқа далиллар билан солиштириш тушунилиши асослантирилган.

9. Далиллар мажмуини етарлилик нуқтаи назаридан баҳоланишда айблаш ва ҳукм қилиш учун асослардаги исботланиши керак бўлган ҳар бир ва барча ҳолатларга оид ҳақиқатга баҳссиз ойдинлик киритувчи ишга алоқадор, мақбул ва ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг мажмуи ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланиши зарурий шарт сифатида белгиланишининг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

10. Исбот қилишнинг умумий шартлари сифатида ЖПКнинг 85-95¹-моддаларида белгиланган шартларга бекаму-кўст риоя этилиши исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилиш механизми эканлиги ва ушбу механизмнинг самарали ишлашига халақит бераётган ҳолатлар очиб берилган.

11. Далиллар мажмуи айблаш ва ҳукм қилиш учун етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши зарурлиги ҳақидаги таклифнинг мазмунини етарли даражада очиб бериш мақсадида, ЖПКнинг 82-моддасида белгиланган ҳар бир асоснинг исботланиши учун қандай ва қанча миқдордаги далилларнинг етарли мажмуини тўплаш қоидалари асослаб берилган. Ушбу қоидаларнинг мукамал бўлиши учун далилларнинг қуйидаги турлари ажратилган: 1) ашёвий далиллар; 2) ҳужжатлар; 3) ёзма далиллар; 4) кўрсатувлар; 5) фотосурат, аудио ва видео ёзувлар; 6) электрон маълумотлар; 7) ёзувлар.

II. Ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлашга оид Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси нормаларини такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар:

1. 81-модданинг иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

81-модда. Далилларнинг турлари

Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, *ҳар қандай кўринишдаги электрон маълумотлар*, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.

2. 88-модданинг иккинчи қисми 1-банди матнини «шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш *ёхуд шундай хатти-ҳаракатлар содир этиш билан қўрқитиш*» таҳрирда баён этиш, 2-бандини «алдаш» деган сўздан кейин «*руҳий тазйиқ ўтказиш*» деган жумла билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

3. 85-моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

85-модда. Исбот қилиш

Исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш, баҳолаш ва фойдаланишдан иборатдир.

4. 86-модданинг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

86-модда. Исбот қилиш иштирокчилари

Исбот қилишини терговга қадар текширувчи амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ва адвокат амалга оширади. Ҳимоячи(адвокат) ҳужжатлар ва тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шахсларни сўровдан ўтказиш ва экспертиза тайинлаш орқали далилларни тўплаш ва текшириши мумкин.

5. 87-модданинг матнини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ

қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, *шахслардан тушунтиришлар олиш ва уларни сўровдан ўтказиш йўли билан тўпланади.*

Ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим. Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкин.

Бошқа ҳужжатлар – бу тегишли реквизитларга эга бўлган, жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга оидлик киритиш учун хизмат қиладиган ва ушбу Кодексда белгиланган тартибда тўпланган ахборотли моддий объектлардир.

Тушунтириш хатини олиш бу – ваколатли субъектлар томонидан ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга оид маълумотларга эга фуқаролар ва мансабдор шахслардан ушбу маълумотларни ёзма шаклда олишдан иборат процессуал ҳаракатдир.

Шахсларни сўровдан ўтказиш бу – ҳимоячи томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ ёки жабрланувчининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларга оид маълумотларга эга фуқаролар ва мансабдор шахслардан ушбу маълумотларни оғзаки шаклда олишдан иборат процессуал ҳаракатдир.

6. 94-моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

«94-модда. Далилларни текшириш

Далилларни текшириш иш бўйича тўпланган ҳар бир далилни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона қиёсий таҳлил қилиш, бошқа далиллар билан солиштириш ва қўшимча далиллар тўплашдан иборат бўлиб, қўшимча далиллар текширилаётган далилни тасдиқлаши ёки рад этишига кўра далилнинг ишончли ёки ишончли эмаслиги аниқланади».

7. 95-модданинг матнини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

95-модда. Далилларга баҳо бериш

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ва судья ишидаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишига асосланган ҳолда қонунга амал қилиб ўзларининг ички ишончларидан келиб чиқиб далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далилга ишга алоқадорлиги,

мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳо берилиши лозим. Жиноят иши бўйича тўпланган барча алоқадор, мақбул ва ишончли далиллар мажмуи айблаш ва ҳукм қилиш учун асосларни исботлашга етарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак.

Далиллар жиноят ишига тааллуқли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи ёхуд рад этувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирсагина, улар ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ушбу Кодекснинг 88, 90, 92 — 94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади.

Текиширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги ва шубҳасиз ростлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади.

Айблаш ва ҳукм қилиш учун асосларга оид исботланиши керак бўлган ҳар бир ва барча ҳолатларга оид ҳақиқатга баҳссиз ойдинлик киритувчи ишга алоқадор, мақбул ва ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг мажмуи ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.

Агар исботлаш жараёнида юзага келган шубҳаларни бартараф этишнинг имкони қолмаган бўлса, улар гумон қилинувчи, айбланувчи фойдасига ҳал этилади.

8. 95¹-модданинг номини ва мазмунини қуйидаги таҳрирда ўзгартириш мақсадга мувофиқ:

«95¹-модда. Далилларнинг мақбул эмаслиги ёки ишончли эмаслиги

Агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, шу жумладан:

1) жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда;

2) уларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда;

4) жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида;

5) номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

б) жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

Фактик маълумотлар текишириш жараёнида тўпланган қўшимча

далиллар билан рад этилса, шунингдек ишдаги бошқа далиллар мажмуи мазмунига ва ҳақиқатга номувофиқ бўлса, улар далил сифатида ишончли эмас деб топилади.

Фактик маълумотларнинг мақбул эмаслиги ёки ишончли эмаслиги терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ўз ташаббуси билан ёки иштирокчиларнинг илтимосига кўра аниқланади. Терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья далилларнинг мақбул эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганида ҳар бир ҳолатда йўл қўйилган бузилиш нимада аниқ ифодаланганлигини аниқлаб олиши ва асослантирилган қарор қабул қилиши шарт. Далилни ишончли эмас деб топишда фактик маълумотларни текширишда аниқланган унинг ҳақиқатга номувофиқлигини кўрсатувчи хусусиятлари (мазмун) нима учун уни рост деб бўлмаслигига оид ҳолатлар қарорда акс эттирилади.

Ушбу Кодекс нормалари бузилган ҳолда гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувларидан, эксперт хулосасидан, ашёвий далиллардан, аудио-, видеоёзувлардан ва бошқа материаллардан, шунингдек текширув натижасида ҳақиқатга номувофиқлиги аниқланган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиши тақиқланади».

9. 147-модданинг номини «Гувоҳлантириш натижаларини расмийлаштириш» деб ўзгартириш ва ушбу модданинг иккинчи қисмини қуйидаги тахрирда баён этиш: *Гувоҳлантириш шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан ўтказилган бўлса, у маълумотнома тузади ва имзолайди, гувоҳлантирилган шахс ва холислар ҳам имзолаганидан сўнг маълумотномани тегишинча суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим этади.*

10. 329-модданинг иккинчи қисмини «топшириқлар бериш» жумлаларидан кейин «шахсларни сўровдан ўтказиш» жумласи билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

III. Ишни судга қадар юритишда исбот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлашга оид суд-тергов амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар:

1. Тушунтиришлар олишнинг процессуал тартибига оид қуйидаги амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

тушунтириш хатини ёзиб бераётган шахсга гувоҳнинг ёки процессуал мақомига кўра тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек ўзига ва яқин қариндошларига нисбатан қарши кўрсатувлар бермаслик ҳуқуқи тушунтирилиши зарурлиги;

тушунтириш хати ёзиб бераётган шахсни Жиноят кодексининг 238-модда (ёлғон гувоҳлик бериш), 239-модда (суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш) ва 240-модда (жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши)лар талаблари билан таништириш зарурлиги.

2. Жиноят-процессуал кодекснинг 88-моддаси учинчи қисмида белгиланган процессуал қонуннинг давлат тилида ифодаланган матн мазмуни рус тилидаги матнга номувофиқлиги, ушбу қонуннинг рус тилидаги матн мантиқан ва ахлоқан тўғри эканлиги, шунингдек Конституцияга мослиги боис жиноят ишларини юритишда процесс иштирокчиларининг ушбу шартга қатъий риоя этишларини таъминлаш зарурлиги тавсия этилган.

3. Жиноят-процессуал кодекснинг 82-моддаси биринчи қисмини 4-бандида жиноятнинг мотиви кўрсатилмай қолганлиги бўйича ҳуқуқий бўшлиқ аниқланиб, ушбу бандда белгиланган асосни исботлаш масаласида банднинг рус тилидаги таҳририни асос қилиб олиш ва суд-тергов амалиётида рус тилидаги таҳрирни қўллашнинг мақсадга мувофиқ эканлиги асослаб берилди.

4. Жиноят ишларини тергов қилишда тергов-тезкор гуруҳининг ҳодиса содир бўлган жойга дарҳол етиб бориши ҳамда кўздан кечириш барча масъул шахслар ва мутахассислар иштирокида ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш, далилларни яроқлилигини таъминлаш чораларини кўриш, далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда илғор услубларни қўллаш, замонавий криминалистик техника воситаларидан, ахборот коммуникация технологияларидан ҳамда суд экспертизалари имкониятидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш кераклиги тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Yu.25.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА
ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**МИНИСТЕРСТВО ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
АКАДЕМИЯ**

РАЖАБОВ БАХТИЁР АЛМАХМАТОВИЧ

**ОБЕСПЕЧЕНИЕ СОБЛЮДЕНИЯ ОБЩИХ УСЛОВИЙ
ДОКАЗЫВАНИЯ В ДОСУДЕБНОМ ПРОИЗВОДСТВЕ**

**12.00.09 – Уголовный процесс. Криминалистика, оперативно-розыскное право
и судебная экспертиза**

**АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам**

Ташкент – 2019

Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.DSc/Yu62.

Докторская диссертация выполнена в Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) и Информационно-образовательном ресурсе «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	Мухамедов Уткирбек Хазраткулович доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Пулатов Бахтиёр Халилович доктор юридических наук, профессор Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович доктор юридических наук, старший научный сотрудник Миразов Даврон Мирагзамович доктор юридических наук, доцент
Ведущая организация:	Институт проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится 23 июля 2019 года в 10:00 часов на заседании Научного совета № 14.07.2016.Yu.26.01 по присуждению ученой степени доктора наук при Академии министерства внутренних дел Республики Узбекистан (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел./факс: (99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии министерства внутренних дел (зарегистрирована под №107). (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел.: (99871) 265-22-52).

Автореферат диссертации разослан 9 июля 2019 года.

(протокол реестра № 16 от 8 июля 2019 года).

А.С.Турсунов

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор юридических наук, профессор

М.З.Зиёдуллаев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор юридических наук, доцент

Р.Кабулов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

В мире для осуществления правосудия путем быстрого и полного раскрытия преступлений, разоблачения лица, совершившего преступление, обеспечения правильного применения закона, актуальное значение приобретает институт доказывания в уголовном процессе, соблюдение его общих условий. Повышается актуальность обеспечения соблюдения общих условий доказывания при достижении эффективного осуществления уголовно-процессуальной деятельности, укреплении законности, предупреждении преступности, защите интересов личности, государства и общества.

В мире считается актуальным поиск научных решений проблем, связанных с охраной прав и законных интересов лица при доказывании в судопроизводстве, собирании и проверке доказательств, принятием законных, обоснованных и справедливых решений при оценке доказательств и рассмотрении уголовного дела по существу. Актуальное значение приобретает недопущение таких обстоятельств, как: собирание доказательств путем причинения вреда правам и законным интересам лиц; получение показаний, объяснений, заключений противозаконными методами; присутствие дознавателя, следователя, прокурора и судьи при обнажении лица другого пола в связи с выполнением следственного действия; не разглашение выявленных сведений о личной жизни подозреваемого, обвиняемого, подсудимого, потерпевшего и других лиц; нарушение порядка охраны государственных секретов и оформление доказательств в протоколе; принятие решения на основе доказательств, полученных незаконными методами, а также непроверенных или недостоверных доказательств и научно-теоретическое и практическое решение существующих проблем в данной сфере.

В республике осуществляются широкомасштабные реформы в сфере налаживания эффективных механизмов усиления гарантий защиты прав и законных интересов граждан, предупреждения противозаконных действий в процессе доказывания. Определение в постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства» от 14 мая 2018 года № ПП-3723 таких задач, как «обеспечение действенной и надежной охраны прав и свобод граждан, интересов общества и государства; систематизацию и гармонизацию норм уголовно-процессуального законодательства; совершенствование механизмов надежного обеспечения гарантий прав и свобод личности в уголовном процессе; внедрение новых форм и процедур уголовного процесса»¹ требует совершенствования механизма обеспечения соблюдения общих условиям доказывания в уголовном процессе.

Данное диссертационное исследование в определенной степени

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори // <http://lex.uz>.

послужит обеспечению осуществлению задач Указах Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2016 года № УП-4850 «О мерах по дальнейшему реформированию судебной-правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан», от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 30 ноября 2017 года № УП-5268 «О дополнительных мерах по усилению гарантий прав и свобод граждан в судебной-следственной деятельности», Постановлению Президента № ПП-3723 от 14 мая 2018 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства», а также закрепленных в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления I. «Духовно-нравственное, а также культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» развития науки и технологий республики.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹. Научно-исследовательские работы по обеспечению соблюдения общих условий доказывания досудебного производства проводятся в ведущих научных центрах и в высших образовательных учреждениях мира, в частности, Harvard University (США), Miskolc University (Германия), Бакинском государственном университете (Республика Азербайджан), Академии Министерства внутренних дел Республики Беларусь (Республика Беларусь), Карагандинском юридическом институте Министерства внутренних дел Казахстана, Алматинской академии Министерства внутренних дел Республики Казахстан (Республика Казахстан), Московском государственном юридическом университете, Саратовской государственной юридической академии (Российская Федерация).

В результате проведенных в мире исследований по совершенствованию института обеспечения соблюдения общих условий доказывания при судопроизводстве были достигнуты следующие результаты: путем налаживания возможностей собирания и проверки доказательств через средства связи, сеть Интернет обосновано расширение механизмов использования развитых технологий при доказывании (Harvard University, Miskolc University); обосновано руководство логическими психологическими знаниями при оценке доказательств (Бакинский государственный университет); путем определения порядка получения объяснений обосновано совершенствование собирания доказательств на этапе возбуждения уголовного дела (Академия Министерства внутренних дел Республики Беларусь (Республика Беларусь); раскрыто значение достоверности

¹ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: www.harvard.edu, www.dscs.mil, www.nyu.edu, www.law.wustl.edu, www.ox.ac.uk, www.cam.ac.uk, www.uni-koeln.de, mta.hu, www.uni-frankfurt.de, www.pantheonsorbonne, <https://msal.ru>, jurtech.org, www.ulim.md, www.tsul.uz.

доказательств в укреплении уголовно-процессуальных гарантий, обеспечения допустимости доказательств в борьбе с преступностью (Карагандинский юридический институт, Алматинская академия Министерства внутренних дел Республики Казахстан); обосновано развитие института доказывания путем применения гносеологических, психологических и психофизических моделей при формировании результатов следственных и судебных действий, использования электронных доказательств, внедрения установления, сбора, проверки и оценки компьютерных сведений в качестве доказательства (Московский государственный юридический университет, Саратовская государственная юридическая академия (Российская Федерация)).

В мире проводится ряд исследовательских работ, направленных на поиск решения проблем, связанных с совершенствованием института обеспечения соблюдения общих условий доказывания при досудебном производстве, в частности, по таким приоритетным направлениям, как: укрепление гарантий прав личности в процессе доказывания; создание благоприятных механизмов использования современных информационных технологий при собирании и проверке доказательств; расширение возможностей использования в уголовном деле электронных цифровых информационных источников и совершенствование их правовых основ; создание совершенной системы обеспечения не разглашения конфиденциальных и личных сведений наряду с прозрачностью и гласностью в процессе доказывания; плодотворное использование результатов научного прогресса для обеспечения эффективного и оперативного доказывания в борьбе с преступностью.

